

“ТОЛИБОН” ОМИЛИНИНГ ПОКИСТОН ГЕОСТРАТЕГИЯСИГА ТАЪСИРИ: МАНФААТЛАР ВА ТАҲЛИКАЛАР

Шоислом Ақмалов

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси доценти,
сиёсий фанлар номзоди

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Покистоннинг “Талибан” омили билан боғлиқ геостратегик мақсадлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада Исломобод ва “Талибан” алоқаларининг манбаатли ва айрим таҳликали жиҳатлари ҳам очиб берилади.

Калит сўзлар. Жанубий Осиё, “Талибан”, Пуштунистон, Балужистон, Кашири, “Афғон дуализми”, “AfPak”, Дюранд чизиги, ISI, “Буроқ парвози”.

ABSTRACT

This article discusses Pakistan's geostrategic goals related to the Taliban factor. Also, the article reveals beneficial and some dangerous aspects of relations between Islamabad and the Taliban.

Keywords. South Asia, "Taliban", Pashtunistan, Balochistan, Kashmir, "Afghan Dualism", "AfPak", Durand Line, ISI, "Buroq Flight".

КИРИШ

2021 йилда АҚШ қўшинларининг Афғонистон ҳудудини тарқ этиши билан “Талибан” кучлари Кобул ҳокимиятини иккинчи маротаба қўлга киритди. Бу эса Афғонистон атрофидаги геосиёсий ҳолатга маълум маънода ўз таъсирини кўрсатди. Афғонистон билан энг катта чегарага эга бўлган қўшни давлат Покистон геостратегияси олдига янги чақириқлар ва манбаатлар дилеммаси вужудга келди. 90 йиллар ўрталарида “Талибан” билан мустаҳкам алоқа ўрнатган, ҳаттоқи улар ҳокимиятини расман тан олиб, йўл-йўриқлар кўрсатган Исломободнинг бугунги Афғон геострагеяси мазмун-моҳияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва айрим гипотезалар билдириш зарурияти мавжудлиги мақоланинг ахамияти ва долзарблигини белгилаб беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Мақолада аффоншунос олимлар ва эксперталар хулосаларига, шунингдек, дарий тилидаги интернет нашрларига алоҳида эътибор қаратилди. Адабиётлар

таҳлилида Покистоннинг “Толибон” биринчи ва иккинчи маъмурияти билан алоқалари даврлар кесимида ўзаро таққосланган ҳолда ўрганиб чиқилди. Мақолада тарихийлик, event, content, қиёсий ҳамда SWOT таҳлил усулларидан фойдаланилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Покистон Жанубий Осиёнинг йирик минтақавий акторларидан бири. Унинг геостратегияси моҳиятини минтақада Ҳиндистоннинг мавқеи ва нуфузи кучайишига йўл қўймаслик, Афғонистонни доимо ўз таъсири ва назорати остида ушлаб туриш ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида транспорт-логистика ҳамда энергетика йўлакларини барпо этиш сингари вазифалар устуворлиги ташкил этади. Покистон геостратегияси назарий жиҳатдан учта омилга асосланади:

Географик жойлашув. Покистон жойлашган ҳудуд жаҳон сиёсатида стратегик марказлардан бири саналади. Покистоннинг Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистон билан қуруқликда чегарадош экани, шунингдек, Балужистонда жойлашган Гвадар порти орқали Араб дengизига, бундан бевосита, Ўмон кўрфази ва бу орқали кенгайиб борадиган Кўрфаз минтақаси мамлакатлари – Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Баҳрайн, Қувайт, Ироқ каби газ ва нефть маҳсулотларига бой мамлакатларга чиқиш имкониятини қўлга киритади. Бундай жойлашув Покистон учун бир қатор имкониятлар эшигини очади. Бундан ташқари, Покистон Жанубий Осиё дарвозаси вазифасини бажаради. Жанубий Осиё бозорлари билан боғланиш бевосита Покистон ҳудудлари орқали амалга ошади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, географик жойлашув Покистонга бир вақтнинг ўзида жиддий тўсиқларни ҳам юзага келтиради. Хусусан, Афғонистон ва Кашмир муаммоси Исломободни икки томондан хавфсизлик масаласида жиддий ташвишланишга ундейди.

Ядрорий қурол. Покистон ҳозиргача ядрорий қуролга эга ягона ислом давлати ҳисобланади. Бу омил Покистоннинг ислом давлатлари билан ҳарбий ҳамкорлигини сезиларли ривожланишига, турли минтақавий хатарларга қарши ўз жавобини билдира олиши кучли восита бўлиб хизмат қиласди. Бироқ, бир қатор сиёсий таҳлилчилар Афғонистон ва Покистон чегарасида айрим террорчи гуруҳларнинг паноҳ топгани, бу эса Покистон ядрорий қуролларини хавф остида қолишига сабаб бўлади, деган тахминларни илгари суради.

Афғонистон омили. Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиёнинг юраги ҳисобланади. Ушбу давлатда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришлар Исломобод геостратегиясига таъсир кўрсатмай қолмайди. “Афғон дуализми”

назариясининг муаллифи С.Бўроновнинг ёзишича, Афғонистонни айрим манбаларда Марказий Осиёнинг бир қисми сифатида, айрим далиллар эса Жанубий Осиёнинг бир қисми сифатида эътироф этади. С.Бўронов бундай талқинларнинг ўзига хос асосларини таҳлил этиб, қуидаги холосага келади: “Афғонистоннинг географик жойлашувига оид турли қарашлар ва ёндашувлар илмий жиҳатдан айрим асосларга эга бўлса ҳамки, бугунги кунда ушбу мамлакатни Марказий ёки Жанубий Осиёнинг маълум бир қисми сифатида эмас, балки ушбу икки минтақани боғловчи қўприк сифатида баҳолаш омили устувор аҳамиятга эга. Афғонистоннинг Марказий ва Жанубий Осиёни боғлаб турувчи қўприк сифатидаги тарихий ролини қайта тикламасдан минтақалараро ўзаро боғлиқликни, қадимий ва дўстона ҳамкорлик алоқаларини янги жабҳаларда ривожлантиришнинг имкони йўқ. Бугунги кунда айнан шундай ёндашув Евроосиё маконида хавфсизлик, барқарор тараққиётни таъминлашнинг бош шартига айланмоқда. Зоро, Афғонистон тинчлиги – бу бутун Марказий ва Жанубий Осиё тинчлиги ҳамда тараққиётининг реал заминидир”[1].

Юқоридаги учта омиллар орасида айнан Афғонистон омили Покистон геостратегияси фалсафасини белгилаб берувчи асосий мезон деб айтиш мумкин.

1947 йилда Покистон давлати ташкил топгач, Покистон ва Афғонистон ўртасида баҳсли чегара муаммолари пайдо бўлди. Ушбу муаммоларнинг асосий қисмига ҳозиргacha аниқ ечим топилмагани минтақадаги вазиятга салбий таъсир кўрсатди. Маълумки, Америка олимларининг Афғонистон ва Покистон давлатларини ягона ҳарбий-сиёсий майдон сифатида кўриб чиқишига нисбатан “AfPak” атамаси ишлатилади. Ушбу атама XXI аср дастлабки ўн йиллигига Кўшма Штатларнинг Афғонистондаги сиёсатини назарий жиҳатдан баён этишда илмий доираларда кенг қўлланила бошланди. Маълумотларга кўра, “AfPak” концепцияси муаллифи америкалиқ дипломат Ричард Холбрюк ҳисобланади. 2008 йил март ойида Р.Холбрюк Афғонистон ва Покистонни ягона ҳарбий-сиёсий майдон сифатида қуидаги сабабларга кўра қабул қилиш зарурлигини маълум қилди:

1. Афғонистон-Покистон чегарасида ҳарбий амалиётларнинг умумий театри мавжудлиги;
2. Афғонистон ва Покистоннинг 1893 йил имзоланган “Дюранд чизиги” бўйича чегара муаммолари ҳал этилмагани;

3. Афғонистон ва Покистон ўртасида очиқ чегара режимидан (биринчи навбатда, “қабила зонаси”) “Толибон” күчлари ва бошқа террористик тармоқларнинг фойдаланиши[2].

Чунончи, Дюранд чизиги пуштунларни Афғонистон ва Покистон томонларида икки қисмга ажратиб қўйгани, қолаверса ҳеч бир афғон хукумати ушбу чизикни чегара сифатида тан олмаслиги ушбу ҳудудни доимий низолар маконига айлантириди. Барча пуштун қабилаларини бирлаштиришга бўлган ҳар қандай ҳарбий-сиёсий, мафкуравий ҳаракат (Пуштунистон) Покистонга бир қатор ҳудудлардан ажралиб қолиш хавфини пайдо қиласди. Бу эса Покистоннинг Афғонистон ички ишларига аралашувига олиб келган асосий омилга айланди.

“Толибон” (1996-2001). “Толибон” ҳаракати 1994 йилда Афғонистон сиёсий саҳнасига келган бўлса-да, унинг ташкил топиш жараёни ўтган асрнинг 70-йилларига бориб тақалади. Ушбу ҳаракат дастлаб Покистоннинг Шимоли-ғарбий чегара вилояти ва Балужистонда яшайдиган мадраса талабалари, яъни совет-афғон уруши пайтида Покистондаги пуштунлар яшайдиган ҳудудларда етим қолган афғон қочоқ болаларидан таркиб топган диний-сиёсий ҳаракат сифатида Покистон Идоралараро разведка хизмати (ISI) ҳомийлигида ташкил этилган. Ушбу ҳаракатнинг ташкил топишига Покистон олдида турган айрим геосиёсий муаммолар сабаб бўлган.

Биринчидан, Совет-афғон уруши якунлангач, Покистон орқали Афғонистонга кирадиган ҳарбий, молиявий ҳамда бошқа кўмаклар тўхтаб қолди. Бу эса Покистонга манфаатли эмас эди.

Иккинчидан, Афғонистонда бошланган фуқаролар уруши ва Бурҳониддин Раббоний бошчилигидаги афғонистонлик тожикларнинг ҳокимиятга келиши Ислобомободни жиддий ташвишга сола бошлади. Зероки, бу пуштунларни узоқ йиллик ҳукмронлигига соя солиши мумкин бўлган ҳамда Пуштунистон ғоясини кенгайишига олиб келадиган таҳдидлар ҳисобланарди.

Учинчидан, Марказий Осиёда мустақил давлатлар ташкил топиши ва уларнинг транспорт ҳамда энергетика бозорини эгаллаш йўлида Афғонистондаги фуқаролар уруши Покистон учун асосий тўсик ҳисобланарди.

Бундай геосиёсий вазият Исломобод раҳбарияти томонидан “Толибон” ҳаракатини сиёсий саҳнага олиб чиқишига замин яратди. Таниқли эксперт, сиёсий фанлар доктори, профессор А.Хайдаровнинг бу ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор: “Толибоннинг қатъийлиги фақат ички омиллар билан изоҳланмайди. Биз “Толибон”ни уларнинг мафкуравий иттифоқчилари –

Покистоннинг турли радикал исломий партиялари томонидан бўлган ташқи қўллаб-қувватлаш орқали қўриб чиқишимиз керак. Улар Афғонистон ҳудудида “Толибон” ва Ал-Қоиданинг қолган қисмларига жуда катта руҳий, сиёсий, эҳтимол бошқа ёрдамларни кўрсатмоқда”[3]. Умуман, 1996 йилда Афғонистонда “Толибон” кучлари ўз ҳокимиятини ўрнатиши билан ушбу ҳукуматни Покистон томонидан дарҳол тан олиниши ҳам бундай тахминларни тасдиқлагандек бўлди. Бошқача айтганда, ушбу даврда “Толибон” омили Покистоннинг Афғонистон билан боғлиқ геостратегик мақсадларини амалга оширишнинг таъсирчан воситасига айланди.

“Толибон” (2021-х.в.гача). Маълумки, 2021 йил августда Кобулда “Толибон” ҳокимиятининг ўрнатилиши “АҚШ-Толибон” келишуви натижалари билан бевосита боғлиқ. Аксарият мутахассислар АҚШ-Толибон битими Покистон учун катта ғалаба эканини таъкидламоқда. Жанубий Осиё демократик форуми (SADF) эксперти Зигфрейд Вулф фикрича “АҚШ-Толибон” келишуви Покистон ва АҚШ алоқаларини яхшилашда Исломободнинг дипломатик ютуғи бўлиб, “бугунги “Толибон” айнан Покистоннинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ҳалқаро кўмаги билан аввалгидан кўра кучлироқдир”[4]. Вудро Вилсон Ҳалқаро олимлар маркази катта илмий ходими Майл Кугилмен қайдларига кўра Покистон ушбу келишув орқали Афғонистон тинчлик жараёнларининг ягона минтақавий иштирокчисига айланиши мумкин[5]. “Тинчлик келишуви”нинг Покистон учун иккинчи манфаатли жиҳати Афғонистон ва минтақада толибларнинг сиёсий куч сифатида тан олинишидир. Покистон собиқ Ташқи ишлар вазири Шоҳ Маҳмуд Курайший Покистон радиосига берган интервьюсида “АҚШ ва “Толибон” ўртасидаги келишув минтақада ривожланишининг янги йўлларини очади”[6], дея маълум қилиши ҳаракатнинг айнан минтақа доирасидаги мулоқотини назарда тутади. Аммо, вақт ўтиши билан Исломобод режаларида “Толибон” иккинчи ҳокимиятини расман тан олиш масаласи қўтарилмаётганини кўриш мумкин. Буни бевосита Покистон геостратегияси олдидағи мураккаб дилемма билан изоҳлаш мумкин. Демак, бугунги “Толибон” ҳокимияти Исломободнинг бир томондан ўзига хос манфаатларини акс эттирса, бошқа томондан таҳликали вазият ҳам вужудга келаётганини кўриш мумкин.

Манфаатлар. Афғонистонда “Толибон” ҳокимиятининг мавжуд бўлиши Ҳиндистоннинг минтақага таъсирини чеклаб қўяди. Бунинг асосий сабаби шуки, Дехли раҳбарияти Исломобод томонидан Афғонистон ҳудудидаги жангари гурухларнинг Кашмир томон йўналтирилиш хавфи мавжуд, деб ҳисоблайди. Профессор

Жоши Нирмала Ҳиндистоннинг бу борадаги манфаатлари хусусида қўйидагича ёзди: “Ҳиндистоннинг манфаати Афғонистонни диний экстремизм ва терроризм маркази сифатида қабул қилмасликдан иборат. Бироқ расмий жиҳатдан Ҳиндистон “Толибон” ҳаракатини Покистон билан яқин алоқага киришиши, уларнинг фундаменталистик келишуви ҳамда Жамму ва Кашмир ҳарбий амалиётларида афғон ёлланма аскарларининг кенг жалб қилинишидан ташвишланади”[7].

Исломобод учун афғон сиёсий саҳнасида “Толибон” ҳаракатини қўллаб-қувватлашдан бошқа геостратегик режалар ҳам кўзланган эди. Покистон сиёсатчилари наздида Марказий Осиё билан савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация алоқаларининг амалиётга жорий этилишида парчаланган Афғонистон асосий тўсиқ ҳисобланарди. Марказий Осиёнинг ёқилғи-энергетика ресурслари, айниқса, туркман нефт ва газ қувурларини “Толибон” кучлари кафолатида Покистонга олиб келиш режаси айни шу мақсадга йўналтирилган. 90 йиллар бошларида Покистон разведкаси томонидан ишлаб чиқилган “Буроқ парвози” кодли махфий амалиёт “Толибон” қуролли отрядлари таянчи билан Покистоннинг Кветта ва Туркманистаннинг Кушка шаҳарларини боғловчи транспорт магистралларини назорат қилишни назарда тутарди[8]. “Толибон” муваққат ҳукуматининг бугунги кунда Афғонистон шимолида фаоллашуви, Покистон ва Марказий Осиё давлатларининг минтақавий иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга доир музокараларини айни шу омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Таҳликалар. Кўпчилик таҳлилчиларни қизиқтираётган асосий саволлардан бири бугунги “Толибон” ҳукуматини Покистон томонидан тан олиш масаласини пайсалга солинаётгани сабаблари қандай эканидир. Покистоннинг Кобулдаги элчиси Мансур Аҳмад Хон сўзларига кўра, Покистон жаҳон давлатлари билан келишмасдан “Толибон” ҳукуматини расман тан олмайди. Исломобод расмийларининг “Толибон” билан анъанавий ва бугунги яқин алоқаларига қарамасдан элчининг бундай баёнот беришига ўзига хос сабаблар бор:

Биринчидан, Покистон 2018 йилдан бошлаб иқтисодий мустақиллик сиёсатини жиддий амалга ошира бошлади. Бу ҳолат Покистонни жаҳон билан ижобий алоқаларни доимий сақлаб туришини англатар эди. 2021 йилда “Толибон” ҳокимияти ўрнатилиши асоратлари натижасида Афғонистондан келган миллионлаб қочқинлар оқими, ички низолар ва сиёсий бекарорлик каби кўплаб омиллар узоқ муддатли, пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқилишга тўсқинлик қилиб келди. Саноат ишлаб чиқаришни чеклаш эса импорт ўрнини

босувчи маҳсулотлар йўқлигига ва бу ўз навбатида, давлат иқтисодиётини ташқи таъсиrlарга нисбатан заифлашишига олиб келди. Имрон Хоннинг бошқарувда йўл қўйган хатолари, жумладан, уч ярим йил ичидаги молия вазирларининг тўрт маротаба алмаштирилиши давлатнинг савдо ва инвестициялар соҳасидаги тизимли бошқарувига путур етказди. Табиийки, ҳозирги иқтисодий ўзгаришлар шароитида “Талибон” ҳукуматининг расман тан олиниши Покистонни ҳалқаро миқёсда изоляцияга тушиб қолишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, Покистонда ҳукумат алмашинуви, маълум маънода, мазкур масала билан узвий боғлиқ. Имрон Хон либерал иқтисодий ислоҳотлар тарафдори сифатида ташқи сиёсатда Афғонистон орқали бошқа минтақалар билан (Марказий Осиё, Россия, Хитой ва ҳоказо) тезроқ боғланиш ва кенг минтақавий ҳамкорлик олиб боришини мақсад қилган эди. Бу эса “Талибон” ҳукуматини тан олиш жараёнларини тезлаштиришни тақазо этарди, лекин амалдаги Покистон ҳукумати бунинг учун шошилмаётгани Кобулдаги элчининг баёнотидан ҳам сезилиб турибди.

Покистон учун ҳозирги таҳликали жиҳат “Талибон”нинг Покистондан мустақил ўйинчига айланиб боришидир. Бу ҳолат истиқболда Пуштунистон ғояси хавфини қайта кун тартибига кўтариши мумкин. Покистонлик сиёсатчи ва собиқ сенатор Афросиёб Хаттакнинг айтишича, Покистоннинг миллионлаб пуштуналари “Талибон”нинг пуштуналарга қарши лойиҳа эканлигини англаб олган[9]. Маълумотларга кўра, Афғонистон собиқ Президенти Ашраф Ғани Покистон депутати Мухсин Жавид Давар билан пуштуналар масаласи бўйича учрашув ўтказган. Мухсин Давар “Пуштуналарни ҳимоя қилиш ҳаракати” асосчиларидан бири, Покистон парламентининг куйи палатасида Жанубий Вазиристондан депутат, шунингдек “Миллий демократик ҳаракати” партияси раҳбари ҳисобланади. Бу воқеалардан холоса қилиш мумкинки, Афғонистон ва Покистон чегарасидаги этносиёсий вазият борган сари кескинлашиб бормоқда. Покистонлик пуштуналар катта эҳтимол билан “Пуштунистон” ғояси учун қадамлар ташлаётгандек таассурот уйғотмоқда. Бироқ, бизнингча, ушбу ғоя Покистоннинг ҳудудий яхлитлигини парчалаб ташлаши ҳисобга олинса, бу сингари гипотезалар яқин истиқболда ўз тасдигини топиши бироз ҳақиқатдан йирок.

ХУЛОСА

Афғонистонда “Талибон” ҳокимияти ўрнатилиши ва мавжуд геосиёсий воқеликлар ҳолатида минтақадаги асосий ўйинчи давлат айнан Покистон бўлиб

қолмоқда. Таҳлиллардан аён бўлмоқдаки, яқин истиқболда Исломобод геостратегияси олдида қуйидаги муҳим масалалар турибди:

- “Талибан” ҳокимиятининг минтақавий (кейинчалик жаҳон миқёсида) тан олиниши;
- Бирорта афғон ҳукумати томонидан тан олинмаган Дюранд чизиғининг тан олинишига эришиш;
- Афғонистон ва Покистон чегарасидаги этник, (Пуштунистон, Балужистон ва ҳоказо) радикал ва террорчи гурухларни Исломобод худудий яхлитлигига бўлган хавфини камайтириш (йўқотиш);
- Марказий ва Жанубий Осиёни Афғонистон орқали боғлайдиган барча лойиҳаларнинг (темир йўл, газ қувури ва энергетика) Исломобод томонидан (толиблар кафолати остида) назорат этилиши;
- Ҳиндистоннинг минтақадаги, хусусан Афғонистон орқали Марказий Осиёга йўналтирилган транспорт лойиҳалари (Халқаро Шимол-Жануб коридори) ва таъсирини (Хитой билан ҳамкорликда) тамомила чеклаш.

Умуман, Афғонистондаги ҳозирги ўйинларда Исломободнинг модератор ўлароқ намоён бўлишини кузатиш мумкин. Бу Покистон геостратегияси учун юкорида таъкидланган манфаатлардан самарали фойдаланиш мажбуриятини тақозо этади. Акс ҳолда, Исломобод олдида “Талибан” омили таҳликага айланиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Buranov, S. (2022). Afghanistan as a Bridge Connecting Central and South Asia. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(2), 319-323.
2. FM to represent Pakistan in signing ceremony of US-Afghan Taliban peace agreement // Radio Pakistan. February 29, 2020. <http://www.radio.gov.pk/29-02-2020/fm-to-represent-pakistan-in-signing-ceremony-of-us-afghan-taliban-peace-agreement>
3. Khaydarov A. (2004) Role of ethno-religious factor in stabilization of internal political situation in Afghanistan and its impact on Central Asia. // K Santhanam, Ramakant Dwivedi. India and Central Asia. Advancing common interest. –New Delhi. – P. 291.
4. Kugelman, M. Will Pakistan Continue to Play a Constructive Role in the Afghan Peace Process? // World politics review, March 9, 2020.

<https://www.worldpoliticsreview.com/articles/28586/will-pakistan-continue-to-play-a-constructive-role-in-the-afghanistan-peace-talks>

5. Nirmala, J. (2013) Indian perspectives on regional approach to Afghanistan // Буюк ипак йўлининг ўтмиши ва ҳозирги куни: ривожланишнинг ижтимоий-маданий, тарихий, сиёсий ва иқтисодий йўналишлари: ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами, 25 марта 2013 й. – Т.: ТошДШИ. – Р. 265.
6. Wolf, O.S. Does the US-Taliban deal serve Pakistan's interests in Afghanistan? // South Asia Democratic Forum. 6 March, 2020. <https://www.sadf.eu/comment-171-does-the-us-taliban-deal-serve-pakistans-interests-in-afghanistan/>
7. Бўронов, С. Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш жараёнларида Ўзбекистон геосиёсати. – Т.: “EFFECT-D”. 2021. – Б.135.
8. Фененко, А.В. (2013) Проблематика «АфПак» в мировой политике // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 25. Международные отношения и мировая политика. № 2. – С.24-25.

9. افرازیاب ختک: میلیون‌ها پشتون پاکستان متوجه شده‌اند که طالبان یک پروژه ضد پشتون است

پنجشنبه ۱۴۰۸/۰۸/۱۹

<https://www.afintl.com/202211100488>